

Мусулмонларнинг жанозаларида ҳозир бўлиш | Йигирма учинчи ҳақ



15:30 / 21.09.2025 1096

Мусулмонларнинг жанозаларида ҳозир бўлиб, маййитни охирги манзилгача кузатиб қўйиш ҳам бандалик бурчимиздир.

Бундан мақсад киши учун диндош биродарининг охирги ҳаққини адо этиш ва “Бу ҳолат эртага менинг ҳам бошимда бор”, дея ибрат олишдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Жанозани кузатиб боринглар, у сизларга охиратни эслатади”, деганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса шундай дейилади: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам оналарининг қабрини зиёрат қилдилар. Ўзлари ҳам йиғладилар, атрофдагиларни ҳам йиғлатдилар. Ниҳоят: “Раббимдан у зот (онам) учун истиғфор айтишга

рухсат сўрадим. Менга (илоҳий ҳикматга биноан) рухсат берилмади. Қабрларини зиёрат қилиш учун рухсат сўрадим, рухсат берилди. Қабрларни зиёрат қилиб туринглар. У сизларга ўлимни эслатади”, дедилар”.

Майитни олиб боориш одоби: сокин ҳолда тобут ортидан юриб, вафот этган биродарининг ҳолати ҳақида фикрлаш ва ҳар лаҳза ўз бошига ҳам келиши мумкин бўлган ўлимни унутмасликдир. Серташвиш ҳаёт оқимида оқиб борар эканмиз “ўлим” деб аталмиш аччиқ ҳақиқатни кўп ҳолларда унутиб қўямиз. Жаноза ва дафн маросимларида фаол қатнашиш бизга ана шу унутилган ҳақиқатни ёдга солиб туради. Бундан ғафлатда қолмайлик.

Абдулҳамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023-йил 16-январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.